

ҚАРОР ВА ИЖРО



2021 йилги Инвестиция дастури асосида — Фарғона йўл қурилиш ва таъмирлаш унитар корхонаси томонидан вилоятидаги 4K860a "Охунбобоев темир йўл станциясига кириш" автомобиль йўлининг 3-6 км қисмини реконструкция қилиш ишлари олиб бориш кўзда тутилган эди.

Ушбу объект ўтувчи объект ҳисобланиб реконструкция қилиш ишлари халқаро стандартлар асосида амалга ошириш белгиланган.

2021 йил давомида мазкур объектда 7224,3 млн.сўмлик реконструкция қилиш ишлари бажарилиши лозим. Ҳозирги кунда 1991,3 млн.сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.



Айни пайтда мазкур объектда асфалтобетон қопламасини ётқизиш ишлари қизгин давом эттирилмоқда.



Ушбу автомобиль йўлининг фойдаланишга топширилиши натижасида автомобилларнинг ҳаракат жадаллиги ортади ҳамда транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши таъминланади.

Автомобиль йўллари кўмитаси

Матбуот хизмати